

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 181 (4387). | 15 сентябрь, 1971 йил, | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАХКАМЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Кеча Тошкентда область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область икрония комитети раиси С. Асонов «Республика партия ташкилотларининг алмашида экинчи жорий этиш асосида чорвачиликнинг мустахкам эм-хашак базасини яратиб вазибалари юзасидан Ўзбекистон КП Марказий Комитети IV Пленуми қарори ҳамда область колхозлари ва совхозларининг эм-хашак этиштиришни кесини кўпайтириш негизида чорвачиликни янада ривожлантириш вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Область йиғилиш хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларига амалий жавоб бериб, — деди докладчи, — ўз иммаларига юксак социалистик мажбурият олдилар. Бу йил улар давлатга 400 минг тонна пахта, 325 минг тонна каноп, 54 минг тонна галла, 272 минг тонна сабзавот ва картошка, 22 минг тонна гўшт, 68 минг тонна сут ва бошқа маҳсулотлар сотишга сўз бердилар. Далалар ва фермаларда бу мажбуриятни бажариш учун социалистик мусобақа қилиб кетди.

Саникз ой ичида мажбуриятни бажаришда айрим ютуқларга эришилди. Йилда улар ўз сўзларини шараф билан бажардилар. Давлатга мажбуриятдаги 1412 тонна ўғитга 1548 тонна пахта топирилди. Жўн сотиш йиллик плани адо этилди. Гўшт, сут, туҳум тайёрлаш анча ушшоқлик билан бормоқда. Каноп ўрими бошланди. Дастлабки маълумотлар шунини кўрсатадики, лубкорларининг ҳам ўз мажбуриятларини шараф билан бажарадилар. Пахтакорлар, шолкорлар, сабзавоткорларимиз ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети пахтачилликда катта вазифаларни ҳал қилишга доимий эътибор бериш билан бир қаторда кейинги вақтларда гўшт, сут, туҳум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини этиштиришни янада кўпайтиришга, барча турдаги чорва моллари ва паррандалар сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишни таъминлашга қаратилган муҳим тадбирларни ҳам амалга оширдилар. Шунга мувофиқ барча колхоз ва совхозларда тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда 1975 йилга бориб, гўшт этиштиришни 1970 йилдагига нисбатан 1,8 баравар, сутини 1,6 баравар, туҳумни 2,2 баравар кўпайтириш кўзда тутилди. Шу давр ичида қор моллар туғиш 19 процент, ситилар 42 процент, қўй 37 процент, қўча 79 процент ва парранда 1,7 баравар кўпайтириш керак.

Бу йил давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун ишчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV Пленум қарорлари асосида таъкил этиш, чорвачилик озуқа база-

сини мустахкамлаш учун зарур тадбирларни амалга ошириш керак.

Область чорвадорлари янги беш йилликнинг биринчи йили учун олинган план ва мажбуриятларини бажаришда дастлабки ютуқларини кўлга киритдилар. Саникз ой давомида сут соғиб олиш ўтган йил шу давридагига нисбатан 13,9 процент кўпайди. Облаstdаги барча районлар сут этиштиришни кўпайтирдилар. Ҳар бош соғин ситиридан олинган сут сезиларли даражада ортди.

Айниқса, Юқори Чирчиқ районининг чорвадорлари катта муваффақиятнинг кўлга киритдилар. Улар ҳар бош соғин ситиридан 1723 килограммдан сут соғиб, область биринчи ўринга чиқиб олдилар. Ўрта Чирчиқ районининг колхоз ва совхозлари сут этиштиришни 19,7 процент кўпайтирдилар. Ҳар бош соғин ситиридан 1970 йилдаги 1182 килограмм ўғитга 1501 килограмм сут соғиб олинди. Оққўрғон районидан сут соғини 22,9 процент кўпайди. 31 колхоз ва совхозда ҳар бир ситиридан ўртача 1700 килограммдан ошириб сут соғилди. Шу жумладан, «Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхозидан соғин ситилардан ўртача 1734, 2-«Далварзин» совхозидан 1738, Юқори Чирчиқ районидан «Политотдел» колхозидан 2200, Калинин районидан «Ўзбекистон ССР 40 йиллик» колхозидан 2262, Оржоникидзе районидан «Дўрмон» совхозидан 1980, Ўрта Чирчиқ районидан «Полярная звезда» колхозидан 1851, Янгийўл районидан Чиноз насхалик совхоз техникумидан 2594 килограммдан сут соғиб топирилди.

Гўшт этиштириш кўпайди. Эндликда кўпгина колхозлар чорваини бўрдоқига боқини катта эътибор бера бошладилар.

Чорвачиликни янада ривожлантиришнинг муваффақиятларини асосан эм-хашак базаси ҳал қилди. Бирок, мустахкам эм-хашак базасини яратиб билинган хўжалик сот, гўшт ва бошқа хўжалик маҳсулотларини этиштиришни кўпайтиришга эришди, деф йилда хато бўлур эди. Чорвачилик моллар наслдорлигини яхшилаш учун қўл билан ишлашни талаб этиди. Ўзла механизациялашган яхши бинолар бўлиши, малакали ва ўз ишнини пухта билидиган сут соғувчилар, молбоқарлар, чўпонлар ва бошқа хўжаликларни танлаш зарур. Агар хўжалик раҳбарлари буни тушунасalar ҳамда чорвачиликни ривожлантириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилсалар, у ҳолда қўланган муваффақиятга эришиш мумкин.

Айни вақтда фактлар шунини кўрсатиб турибдики, бир қатор колхоз ва совхозларда чорвачиликни юксалтириш соҳасида қилинаётган ишлар ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Бу хўжаликлар чорвани урғитиб кўпайтириш ишини бўшаштириб юборганлар, озуқани низохта исроф қилиб юбормоқдалар, мол ва паррандалар сонининг ҳамда уларнинг маҳ-

сулдорлигининг камайишига йўл қўймоқдалар, натижада чорвачилик маҳсулотларини этиштириш ва тайёрлаш планлари барбод бўлмоқда. Район ташкилотлари бундай аҳволни яхшилаш учун бутун куч-тайратларини сарфлашлари керак.

Областимизда келажакда чорвачиликни ривожлантиришда асосий вазифалардан бири, деб таъкидлаб ўтди докладчи, шаҳар аҳолисини таъминлаш учун сут этиштиришни анча кўпайтиришдан иборат. Ушбу беш йилликда 20 та сут комплекси куриш мўлжалламоқда. Бирок, ҳар бир хўжаликнинг ички ресурслардан тўла фойдаланиш энг асосий йўлди. Бундай ресурслар эса бизда жуда кўп. 1970 йилда умуман область бўйича ҳар 100 гектар ҳайдалаган ерга ҳисоблаганда 216 центнердан сут этиштирилди. Оржоникидзе районидан 552, Калинин районидан 435 ва Юқори Чирчиқ районидан 307 центнердан сут этиштирилди. Айрим хўжаликлар бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Шу билан бир қаторда кўнчилик колхоз ва совхозларнинг сут-товар фермаларида маҳсулдорлик жуда паст. Ўтган йили Бекобод району хўжаликлари ҳар 100 гектар ҳайдалаган ер ҳисобига 127 центнердан, Ўрта району хўжаликлари эса 73 центнердан сут этиштирдилар.


Қўндаги факт айниқса катта таъмин шугудирмоқда. Кўнчилик колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари сут этиштириш бўйича олинган социалистик мажбуриятларининг бажарилишини юзасидан назоратини бўшаштириб юборганлар. Шунинг натижасида август ойида ялпи соғиб олинган сут 1970 йилнинг август ойига нисбатан бир қатор районларда анча камайиб кетди.

Қолган вақт ичида ситиларни боқиб юзасидан қўшимча чораларни куриш зарур. Хўжаликлар кўк конвейер муддатини узайтиришга эришмоқлари лозим. Районлар, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ҳар бир бригадани сут беруви чорваининг аҳволини чуқур ўрганиб чиқишлари ҳамда ҳар бир сут соғувчи сут этиштириш бўйича ўз социалистик мажбуриятини бажаришни таъминлашлари керак.

Гўшт этиштириш соҳасида ҳам катта камчиликлар бор. Кўнчилик колхоз ва совхозлар озгин молларини давлатга топиришнинг давом эттирмоқдалар. молларини чина-намига семиртириш ва бўрдоқига боқини йўлга қўймаганлар. Колхозлараро бўрдоқчилик базаларининг қуввати секинлик билан ўсмонда, район ташкилотларининг раҳбарлари эса уларга амалий ёрдам кўрсатаётгани йўқ.

Сут ва гўшт этиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан урғочи молдан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Бу соҳада кўнчилик хўжаликларида ҳозирга қадар жиддий нуқсонлар бор.

(Давоми 2-бетда).



ПЛАН—15 ОКТЯБРЬГА

Ҳозир колхоз правление-си ва партия комитетининг асосий эътибори этиштирилган мўл ҳосилини сира нобуд қилмай тезроқ териб олиб давлатга топиришга қаратилган. Биз терини 5 сентябрда бошлаган бўлсак, суръат кун сайини ошиб бораёттир. Шакар Ҳошимова, Ҳадия Латипова сингари пахтазор юлдузлари кўп-минигилограммчилар мусобақасига қўшилиб, кунига 100 килограммдан ошириб пахта тераётдилар.

200 дан зиёд колхозчи мавсумда 5—7—10 тоннадан пахта териб мажбуриятини олиб пахтазорда жавлон уришяпти. Ўтган йили «Ўзбекистон» машинаси бункеридан 131 тонна пахта тўққан механизатор ўртоқ Амирхон Бакиров бу йилги мавсумда машинада 200 тонна дур тўқмоқчи. Илгор механик-ҳайдовчи Қўчқор Ашуровнинг ҳам аҳди шу.

Колхоз правление-си ва партия ташкилоти белгиланган тадбирда 740 колхозчи теримда қатнашишни кўрсатилган бўлса, ҳозир далада шунча одам пахта тераёттир. Сентябрьнинг охирига бориб теримчилар сонини 1180 кишига етказамиз.

Колхозимизда гўзаси дастлаб дефольдация қилинган Жўра Қамбаралиев, Шапрофат Худойбердиева, Замон Абжаков ўртоқлар бошлиқ бригадаларда машиналар ишлаб бошладилар.

Биз терилган пахтани ҳар кунини давлатга топириш мақсадида прицеп ва транспорт тракторларини уч гуруҳда ишлайдиган қилдик. Бу гуруҳларга Хасанбой Турсунматов, Аҳмаджон Шерматов, колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Аҳмаджон Долимов ўртоқлар раҳбарлик қилишади. Ҳар гуруҳга биттадан погрузчик ҳам берилган.

Теримда биз мавжуд ҳамма имкониятлардан фойдаланамиз, машиналарнинг унумли ишлашини таъминлаб, колхозимизда пахта тайёрлаш планини 15 октябргача бажаришга эришамиз. Колхозчиларимизнинг аҳди шундай.

М. ҲАМРОЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси.

400.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТЕРИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПИРИШ БЎЙИЧА ШУ ЙИЛ 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобда)				
Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топирилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.				
Бекобод	2,22	11,26	2,02	7,26
Ўрта Чирчиқ	2,26	8,86	2,09	5,81
Янгийўл	1,45	7,54	0,10	0,13
Пискент	1,54	7,30	0,89	1,88
Бўна	1,33	5,42	0,97	2,21
Юқори Чирчиқ	1,20	3,63	1,20	1,75
Оққўрғон	0,90	3,46	0,50	0,95
Оржоникидзе	1,50	1,50	—	—
Область бўйича	1,55	6,78	1,06	2,82

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТЕРИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПИРИШ БЎЙИЧА ШУ ЙИЛ 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобда)				
Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.				
Ўрта Чирчиқ	1,9	123,7		
Янгийўл	4,7	86,0		
Юқори Чирчиқ	4,7	71,1		
Бўстонлиқ	4,3	66,8		
Оққўрғон	2,7	59,4		
Область бўйича	3,5	68,2		

ПАХТАЗОР СУВОРИЙЛАРИ

Юқори Чирчиқ районидан «Политотдел» колхозини далада машина теримини қизғин тус олди. «Зангори кема» капитанлари пахтазорларда жавлон уришмоқда. Суратда: 1-бригада даладариди.

А. Абалин фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА КОМУНАЛ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXIV съезди Директива-ларида аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш кўзда тутилган. Шаҳар аҳолисини асосан марказлашган тарзда сув билан таъминлаш, уй-жой фондини таъминлаш шартларини яхшилаш, аҳоли пунктларини уй-улар атрофининг санитария ҳолатини яхшилаш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини кўналомдорлаштириш миқдосларини кенгайтириш, кишлоқ аҳолисини маданий ва маиший хизмат кўрсатиш юзасидан суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шунини таъкидлайдиларки, саникз йили беш йиллик мобайнида республикада бу соҳада кўпгина ишлар қилинди: коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари кенгайтирилди, ва реконструкция қилинди, республикадаги 4 шаҳар ва 38 район марказида янги водопроводлар курилди. Самарқанд, Янгийўл, Термиз ва Урганчада канализация системаси бунёд этилди, уй-жой ва жазоат биноларида иссиқлик билан таъминлашни ях-

шиланди. Уй-жой фондини яхши-лашнинг энг муҳими ва қўлайлиги яратиб даражаси ўсди. Бирок аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларининг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаёттир. Бир қанча жойларда аҳоли водопровод суви билан таъминланмаган. Ҳамма жойда ҳам шаҳар пассажир транспортини яхши ишлатиш деб бўлмади, баъзи аҳоли яшайдиган жойларда санитария-тозалаш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Ҳамма жойларда, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш маданияти ҳали паст.

Комунал қор ювчи корхоналари да иш сифати талабга жавоб бермайди.

Ўзбекистон ССР Комунал хўжалик министрлиги ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари аҳолига хизмат кўрсатиш маданий

ятичи ошириш коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхона-ларини яхшилаш ва ривожлантириш масалалари билан етарли шугулланишаётдилар.

Курилиш ташкилотлари коммунал-маиший хизмат кўрсатиш объектларини, айниқса канализация-тозалаш иншоотлари, меҳмонхоналар, ҳаммом ва кўрхоналарини вақтида куриб ишга туширилишини таъминлашаётдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари-нинг ижроия комитетлари коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари нинига етарли эътибор бермаётдилар, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари курилиши ва фойдаланишга топири-лиши учун хўжалик раҳбарла-

рига талабчанликни оширмаётдилар.

Партия, совет, хўжалик орган-лари ва коммунал ташкилотларининг энг муҳим вазифаси, дейилади Ўзбекистон КП Марказий Ко-митети ва Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Советининг қарориди, коммунал-маиший хизмат кўрса-тиш корхоналари ишини янада яхшилашдан, шаҳарларнинг, ша-ҳар типидagi поселалар, қиш-лоқ аҳоли пунктларига хизмат кўрсатишни яхшилашдан иборат.

1971—1975 йилларда комму-нал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектлари ку-риш ва ишга тушириш юзасидан тегишли топириқлар белгилан-ди.

Ўзбекистон ССР Госпланига республика шаҳарларида ва район

нистрлигига қуйидагилар тақлиф этилди:

1971—1974 йилларда Тошкент шаҳрида, область марказларида, шунингдек, Маргилон, Қўнон, Янгийўл, Чирчиқ ва Олмалиқ ша-ҳарларида канализациянинг қурилиш станцияларини куриш.

Тошкент шаҳрида ахлат-утил за-води қурилишини 1973 йилда ту-ғалаш.

Тошкентда ҳар йили 300 маши-нани ремонт қилдиган, троллей-бус ремонт заводини куриш.

Ўзбекистон КП Марказий Ко-митети ва Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Совети, Қўрақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари, Комунал хўжалик министрлиги, министрликлар ва идоралар, Корхоналар, ташкилот-лар ва муассасаларнинг раҳбар-лари анимасига қуйидаги вазифа-ларни юклядилар:

— 1971 йил 1 декабрга қадар уй-жой фондини капитал ремонт қилиш беш йиллик планини ишлаб чиқиш, бунда барча уй-жойларни техник жиҳатдан яхши ҳолатга келтириш, планининг ҳар йили ба-жарилишини таъминлаш, ремонт муддатларини қисқартириб, сифа-тини яхшилаш назарда тутилмоғи лозим;

1971—1975 йиллар мобайнида уй-жойларни олдиндан планли ремонт қилишга тўла ўтиш ҳамда уй-жой фондини техник ва са-нитария ҳолатини тубдан яхши-лашга эришиш.

Қўрақалпоғистон АССР Ми-нистрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитет-ларига қуйидагилар тақлиф этил-ди.

1971—1975 йилларда Тошкент-да, область марказлари ва йирик шаҳарларда санитария тозалаш базалари, теплицалар куриш ҳам-да дарахт кўчатлари этиштириш учун янги ерларни ўзлаштиришни кўзда тутиш;

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙҮЛИДА

(Бошн 1-бетда)

қурдалишда моддий техника
сурслари ажратиш таклиф эт-
ди.

министрликларига ва «Узсельтехиниш» бирлашмасига совхознинг аҳолисига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳам коммунал органларининг ишидаси ҳамда структурасини ишчи чиқиш вазифаси топширилди.

1971 йилда Коммунал хўжалиқ министрига таъйинланди. 1972 йилда Химия-бактериология кўчаси лабораторияларини ташкил этиш учун 11 та юк автомашинаси ажратилди. Кўчада тутилди. Коммунал хўжалиқ министрига ишлаб чиқарадиган мақсадлари учун капитал маблағлар ҳажмини кўпайтиради.

ва Госпланига Урганчдаги и
нерлик шохобчалари ва ишцо
рида корхоналар группасига
йиҳалаш ва қурилиш бўйича
буюртмачи белгилан, шунинг
Чорвоқ дам олиш зонасида ҳ
Чимёнда ташиқ инжнерлик
муниацияларини лойиҳалаш
қуриш бўйича бош буюртма
белгилан вазифаси толиқини

Республика саноат зоналар
коммунал хўжалигини ривож
тиришга акрилатин капитал
лағалдан водопровод ва кан
зация шохобчалари қўриш
этилди, шаҳар корхонала
уларнинг водопровод ва кан
зация системаларини қўри
ҳиссиас бўлмаса, бу системал
Улашга рухсат этилмайди.

Область, шахар ва район
гия комитетларига, Қорақалпо
тон АССР Министрлар Совети
область, шахар, район ижро
митетларига аҳолига хизмат
сатиш мадониети ва сифатини
шайлашда, қорхоналар тармо
қини
ривожлантиришни тезлашти
да, уларни маълака кадрлар
дан тайинлашда коммунал
ний хизмат кўрсатиш қорхо
нига ва бу қорхоналардаги
лангич партия ташкилотла
амалий ёрдам кўрсатиш та
этидан.

Республика ва маҳаллий газеталарнинг редакцияларига. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва Радио эшитиш давлат комитетига энг яхши мунат ҳўжалик корхоналари лекциялари нисини пропагандалиш топширилади.

Аҳолига коммунал-маншй
мат кўрсатиши тубдаи яхши
шаҳарларин, район марказла
шаҳар типидаги посёлкалар ҳ
колхоз ва совхозларнинг б
аҳоли пунктларини ободонла
риш умумхалқ иш бўлиб, бу
партия, совет ва жамоат та
лотларининг диққат марказид
риши керак.

казий Комитети ва Ўзбекистон
ССР Министрлар Совети шай-
қаттиқ ишонч билдирадиган та-
республика партия, совет, хал-
лик, касабга союз ва комсомол
ташкилотлари белгиланган та-
дларни амалга ошириш, аҳоли
коммунал хизматини яхши-

ор денли «Қизил тоғ» тикувчи
лига кўплаб кенг истеъмол мол
орхонада қатор маҳсулотлар сифа
Су ратда: 8-цехнинг илгор чевар
ўми нова ўроқлар тайёр пальтолар

М. Нуриддинов фотоси.

бўйича рейдлар ва кўриклар
ни вақти-вақти билан ўзгари-
туриш энергия ресурсларида
фойдаланидаги нуқсонларни
барфарқ этишга ёрдамлаши-
лдим.

Кенгаш интирокчилар
эълон қилган тежамкорла-
рушни фақатгина электр
иёсисини энергисини тежаш-
олиб келмай, шу билан бирг-
ишлаб чиқариш маданиятини
ҳар томонлама яхшилаш
ҳам ёрдам беради.

тигиچа сарфланишига йўл
ймаслик керак. Энергияни,
ининса, ишлаб чиқаришда
ергия ресурсларидан икки-
мичи фойдаланишнинг кўла-
ланидиган кечки соатларда бе-
худа фойдаланишга йўл қўй-
маслик зарур.

Барча ишлаб чиқариш кол-
лективларида оммавий тушун-

бўйича рейдлар ва кўриклар
ни вақти-вақти билан ўзгари-
туриш энергия ресурсларида
фойдаланидаги нуқсонларни
барфарқ этишга ёрдамлаши-
лдим.

Кенгаш интирокчилар
эълон қилган тежамкорла-
рушни фақатгина электр
иёсисини энергисини тежаш-
олиб келмай, шу билан бирг-
ишлаб чиқариш маданиятини
ҳар томонлама яхшилаш
ҳам ёрдам беради.

ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ ЖИҲАТДАН ЧИНИҚТИРАЙЛИК

БУГУН КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЧИЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ БОШЛАНДИ

КОМСОМОЛ ВА СИЁСИЙ МАОРИФ ЎҚУВИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯ БЎЛИМИ МУДИРИ Г. АЙРАПЕТАНЦ БИЛАН СУХБАТ

КПСС XXIV съездида ўқитилганидек, ёшларни коммунистик ғоявийлик, Совет Ватанига садоқат руҳида, интернационализм руҳида тарбиялаш ва уларни чиниқтириш комсомолнинг асосий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда комсомоллар олдида улкан вазифалар қўйилмоқда. Улар давр талабларидан, фан-техника тараққиётининг суръатларидан оқибат қолмаслиги учун барча билимларини тўла эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Кейинги пайтда комсомол маорифи ўқув системасида ёшларни марксча-ленинча назария билан қуроллантириш, иқтисодий билимлардан хабардор қилиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Иқтисодий таълимнинг тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Шу билан ҳам комсомол-ёшлар ўқувининг биринчи босқичида тарих, Лениннинг таржиманли ҳолини ўрганиш билан банд бўлсалар, иккинчи босқичда социалистик эканомика ҳақидаги суҳбатларни тингловчи бўладилар. Олий босқичда марксча-ленинча назариянинг ақсуал масалалари юзасидан назарий семинарларда қатнашмоқдалар.

Комсомол маорифи ўқув системасида бу

ишда психология, логика ва педагогика масалалари, «Ҳозирги даврда партиянинг иқтисодий сиёсати», «КПСС XXIV съезди ва илмий-техника революцияси проблемалари» каби темалардаги докладларни тинглайдилар. Доклад қилиш учун семинарда Тошкент олий ўқув юртини қўйиб олишлари, партия ходимлари ва лекторлар таклиф этилган. Шундан сўнг семинар қатнашчилари секциялар бўйича маълумотларга киришдилар.

Секция маълумотларига партия ва комсомол ходимлари раҳбарлик қилдилар. «Партия ҳақида суҳбатлар» секциясининг пропагандистлари асосий докладдан сўнг ўзаро таъриба алмашишга киришдилар. Бу тўғрисида Тошкент, Самарқанд, Гулистон, Олмалиқ, Каттақўрғон каби шаҳарлар комсомол ташкилотларининг секретарлари ва вакиллари суҳбатда қўйиб жойларда партия тарихини ўрганиш қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида гап-гап бердилар.

Партия XXIV съезди коммунистлар ва комсомолларнинг сиёсий онглигини янада ошириш ҳозирги даврда энг муҳим ишлардан бири эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ёшларга марксча-ленинча таълим бериш, уларнинг иқтисодий билимларини ошириш, ҳўжаликни бошқаришга ўргатиш — фақат ўз кўлими жиҳатидан эмас, балки биринчи гада ўз ғоявий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан ҳам улкан ишдир. Биз бундан буён ҳам ана шу ишни намунали йўлга қўйишимиз, сиёсий ўқувни коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз лозим. Пропагандист кадрлар олдида ҳам энг диндаки янги-янги талаблар қўйилмоқда. Бундай кадрларни ташлаш ва ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу билан ҳам пропаганда кадрларнинг республика зонал семинари кўп жиҳатдан биз учун фойдали бўлади.



«Ташсельмаш» заводи қишлоқ механизаторлари учун техника ре-монтада ишлатиладиган асбоб-ускуналар комплексини кўплаб ишлаб чиқармоқда. Суратда: жўнатишга ҳозирланаётган янги маҳсулот. Илгор ишчилардан Анна Евсеева ва Евгения Близнецова.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА ҒАРОЙИБ ЛОЙИҲАЛАР

1960 йилда ҳозирги замон-дан эса қўйидаги лойиҳани олға сурди. Европа, Осиё, Африка ва Америка қитъалари, дейди у, бир-бирларидан шундай тор бўғозлар билан ажралгани, улар орасидаги масофа 50-150 километр атрофида д.р. Қитъаларнинг ҳар бирида эса темир ва шоссе йўллари беҳисоб, аммо улар ер юзи миқёсида битта ягона системани ташкил этмайдилар.

Фридман бундай системани яратиш учун қитъаларни саккизта кўприк билан бир-бирига улашни таклиф қилди.

Архитектор Иона Фридман эса қўйидаги лойиҳани олға сурди. Европа, Осиё, Африка ва Америка қитъалари, дейди у, бир-бирларидан шундай тор бўғозлар билан ажралгани, улар орасидаги масофа 50-150 километр атрофида д.р. Қитъаларнинг ҳар бирида эса темир ва шоссе йўллари беҳисоб, аммо улар ер юзи миқёсида битта ягона системани ташкил этмайдилар.

Фридман бундай системани яратиш учун қитъаларни саккизта кўприк билан бир-бирига улашни таклиф қилди.

МУЗЛАБ ТИРИЛГАН ҚИЗ

Болгарияда нафр этилади-ган «Поглед» ҳафталиги яқинда қизқарли бир хабар босиб чиқарди: ўтган йилда полиция ходими Аляскада таомилда музлаган қиз болани топиб олди. Бу қиз бир ярим йилдан бери нафас олимасди, томири урмади, ўзини юраги эса ишламасди. Кааалхонада уни тирилтиришга уриниб кўришди. Сунъий нафас бера бошлаганида, суянини ҳарорати 37,8 градус бўлган вайнага солишди. Шундан кейин

муъжиза юз берди: қизчага жон кирди, орадан бир неча ҳафта ўтган, сот-саломат калса-хонадан чиқиб кетди.

Брачлар музлаган боланинг бундай қайта тирилиши сабабларини изохлашга уриниб қўйишди. Аммо унинг сабаби ана шу ёшдаги болаларда бўлган модда алмашинувида деб ҳисобламоқдалар. Чунки йилда модда алмашинуви катта ёшдаги кишилардаги модда алмашинувида фарқ қилар экан.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Исҳоқов, «Партия XXI съезди» совхозининг 2-бўлими 2-бригадасида Раҳим Ҳамроқулов, 1-«Назарбек» совхозининг 1-бўлими 1-бригадасида Соҳиб Эргашев, «Ленин йўли» колхозининг 8-бригадасида Исроил Баҳромов каби коммунист ва комсомол пропаганда-листлар машғулотларини қишқарли ва таъсирчан ўтишини таъминламоқдалар. Бу ўртоқлар ўтилатган ҳар бир темани еритишда республика, област, район ва ҳўжалик эканомикаси, меҳнат-кашларнинг турмуш фаровонлигига оид конкрет мисоллардан ахши фойдаланишмоқда.

Дастлабки машғулотлар таърибаси шунини кўрсатдики, ҳалқ сиёсий мактаблари партия ва ҳўкумат қарорларини оммага кенг тўшатиришнинг энг қўлай формаси экан. Машғулотларда тингловчиларнинг ақсуал қатнашганлиги, ҳар бир темани зўр қизиқиш билан ўрганаётганлиги бунга далиллар.

Бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари ҳалқ сиёсий мактабларида машғулотларини ўз вақтида қишқарли ва фойдали ўтиши тўғрисида алоҳида гап-гап қўйишмоқдалар. Бу масала бироқ мажлисларида тез-тез муҳокама қилиб турилибди. Пропагандист ва тингловчилар зарур адабиёт билан таъминланган.

Ҳалқ сиёсий мактаблари меҳнаткашларга, айниқса ёш йигит ва қизларга партия XXIV съезди қарорлари, СССР ҳалқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971-1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик план Директиваларидаги вазифаларни чуқур тўшуниб олишга ёрдам бермоқда, меҳнат аҳлининг активлигини кучайтирмоқда.

Т. ЮСУПОВ,
«Билим» жамияти Қалиқин райо-
ташкilotининг масъул секретари.

БУГУН—БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИГА 25 ЙИЛ ТЎЛДИ

Сайёҳлик гаштини сурдик. Не-не тарихларга гувоҳ Дунай дарёсидан ўтиб, Болгария ер-ларига қадим кўйганимизда илгир бўлиб қор аримас тоқ қўйилган, шўх дарёлар, серхосил дала-лар, ниҳийи ҳайратда қолди-рувчи табиат манзараларини, оромбахш туристик база ҳамда курортларини, вақтин чийақла-чи денгиз маҳияни, таңга роҳат минерал сув чашмаларини томоша қилдик. Ана шунда жа-ҳон кезган сайёҳларнинг: «Бол-гария—Болқон ярим-оросининг дурдонаси» деган таърифу тас-вирлари ҳақиқатга қаноат хо-сил қилдик.

Шу тунда Болгарияга қилган саёҳатимизни яна қўсаиб ту-рибмиз. Бугун меҳнаткаш ва жафоканш болгар халқи ўз ма-млакатида Халқ Республикаси тузилганлигини йигирма беш йиллигини тантанали байрам қилмоқда. Бундан роса торак асп аввал—1946 йилининг 15 сентябрийда Болгария Халқ Рес-публикаси деб эълон қилинди. Фашистлар асоратидан Совет Армияси ердаида 1944 йил 9 сентябрда бутунлай озод қи-лингандан кейин болгар халқи яшаш ва ёшаришнинг, яратиш ва юксалишнинг, ривожланиш ва тараққиётнинг ёрқин йўлига чиқиб олди.

Бугунги Болгария социалис-тик мамлакатлар даврасида янги ҳаёт қуриш афзалликлари билан баралла намоиш қилишнинг ўзигача бир намунаси бўлиб қолди. Дўст Болгария бўйлаб қилган саёҳатимиз кўнраида бундай лиғилик ва тараққиёт йоратини ўз кўзимиз билан кўрдик, қалбимиз билан тўла ҳис этдик. Уттиз уч киши эдик. Ҳаммамиз ҳам ўзбекистон-лик. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативларига тез-тез таклиф қилиб туришди. Деҳқонлар билан танишдик. Уларнинг иши ва турмушини ўргандик.

Враца округининг Крета қишлоғидамиз. Тегишча ҳўжа-лиғиди урмуш совет-болгар халқлари дўстлиги тантанасига айланиб кетди. Болгар деҳқон-лари бизни ҳалоскор мамлакат-нинг—Совет Иттифодининг ва-киллари сифатида кўтиб олиш-ди, иззатимизни ўрнига қўйиш-

ди. Ўзлари етиштирган бодринг ва помидор билан февраль ойи-нинг охиридаги сийлашгани ҳали-ҳали ёдимизда. Билсак, тегишча ҳўжалиги ўз йил аввал қолландилар лойиҳаси асосида қурилган экан. Қишда баҳор бўлишини тегишча кичин ай-ланганимизда тўла ҳис қилдик.

Болгария пойтахти Софиядан ҳар кун-кун фаслида ҳам-саб-забот ортан самолётлар Моск-ва, Париж каби шаҳарларга учиб туришини эшитгандик. Ўшларнинг бир қисми шу те-гишча ҳўжалигининг маҳсулот-

боримиз. У чорвачиликнинг механизациялангани, қишлоқ-нинг кейинги йилларда ободла-ниб бораётгани, қўйчилик фер-масидаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳўжалигини бошқаришда ян-гиликлар билан таништириб боради.

Болгария социалистик рево-люциясидан кейин қишлоқ ҳў-жалигини ривожлантиришнинг ўзигача хос формаси вужудга келтирилди. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари шундай маъбул форма сифатида тан олинган. Эндилдида мамлакатда қишлоқ

рида «Ташсельмаш» заводидан борган машиналар дўстларимиз коммунини етиштиришти. Пахта тозалаш заводларида ҳам Ўзбекистон тамғаси босил-ган машина-ускуналар иш бер-моқда. Тизилмадан кейин Бол-гария Тошкентда каттагон мак-таб қуриб берди. Шу йил ёзи навикулини болгар халқининг бир қанча ўғил-қизлари Бўс-тонлида, Тошкент пионерлари-дан аниқлини Болгариядаги та-лағларда ўтказди. Дўстлик ва бир-бирига меҳр-оқибат бел-гиси бу!

Болқон ярим-оросининг ду-рдонаси бўлган гуллар дери Болгарияга ҳар йили нам де-ганда икки миллион саёҳ ке-либ-кейтишга ажабланишнинг ҳожаати йўқ. Болгариянинг дўс-лари болгар халқи социализм қуришда қўлга киритаётган му-ваффақиятлардан гурурланса-лар, нахиталистик мамлакат-лардан келганлар эканомика ва маданиятни ривожлантиришда-ги дадил қадамлардан ваҳимга тушиб қайтадилар. Бунинг са-баби бор: Болгария саноати бу-гунги кунда Ўлғе Ватан уруши арафасидаги қараганда 30 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Халқнинг моддий фаровонлиги юксалиб, фан ва маданият туркираб яшайпти. Бу мамлакат аҳоли жон бошига кўрошин ишлаб чиқаришда жаҳонда иккинчи, рух таъри-лашда учинчи ва мис бўйича туққизинчи ўрнида.

— Болгария Халқ Республи-касининг ишчилар сиёфни, кооперативлашган деҳқонлари, халқ энгиллари Болгария Ком-мунистик партияси раҳбарли-гида меҳнатда ҳаҳромонлик ва фидоқорлик кўрсатиб, дейилади КПСС Марказий Комитетининг Болгария Компартияси X съез-дида табрикомасида,—ўз ма-млакатини тарихан қисқа муддат ичда ривожланган давлатга айлантирди.

Болгар халқининг тақдирини ёрқин. У Болгария Компартия-сининг X съезди белгилаб бер-ган олтинчи беш йиллик мар-раларини ҳам зафарли оқимлар билан эгаллаш ҳақиқатида.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

НЬЮ-ЙОРК

Ҳўкуматнинг иш ҳақи устидан уч ой мобайнида контроль ўр-натиш даврида иш таъдилмаси ва ишга қайтиб келиш тўғрисидаги даъватига қарамай, Америка ме-хнатчиларининг нўл отрядлари иш ташловчилар сафида қолмоқ-

далар ва ўзларининг ҳаётини ҳў-қуларига қилинаётган ҳўжумга зарба бермоқдалар. Американин-гарбий соҳилидаги докерлар, Нью-Йоркдаги алоҳа ходимлари, мис эритиш саноатининг ишчи-лари, Питтсбург юк автомашинала-

рининг ҳайдовчилари ва бошқа меҳнаткашлар иш ташладилар.

ЛОНДОН

Англиянинг марказий районла-ридаги автомобил заводлари (бу заводларда 25 мингдан ортиқ ки-ши ишламоқда) ишчилари қим-матчилик азм олиб бораётганли-ги сабабли иш ҳақининг оширили-ш учун кураш олиб бормоқдалар.

Бристоль эмиация заводларининг 13 мингдан ортиқ ишчиси иш ташладилар. Улар ишчиларнинг кўп-лаб нудан бўшатишнинг нарҳи ва ҳўкуматнинг ҳамда корхона эгаларининг ишчилар турмуш да-ражасига ҳўжум қилаётганлигига наҳри норозилик билдиримоқда-лар.

(ТАСС).

ДҲНЁ ОВОЗИ

чет эл хабарлари

ДҲСТОНА ЁРДАМ

ХАНОЙ. 13 сентябрь. Бугун Совет Иттифодининг учта «АН-12» самолёти Ханой аэропорти-га қўнди. Бу самолётларда со-вет қизил крест жамияти су-в тўшундан зарар қўрган ВДР аҳолисига юборган дори-дар-мон, озиқ-овқат, кийим-кечак келтирилди.

Вьетнам Демократик Респу-бликаси баш министри ҳузури-

даги министр Чан Хуэ Зик аэро-портида совет халқининг туҳ-фасини қабул қилиб олган экан, бундай деди: «Совет Иттифоди АҚШ агрессиясига қарши ку-рашда ва социализм қурилиш-да вьетнам халқига доим ёрдам бериб келмоқда. Бу йил рес-публика тарихида илгари ҳеч қачон қўрилмаган кучли, су-в

тошқинига дучор бўлди. Халқ ҳўжалиги анча катта зарар қў-рди. Бизнинг халқимиз табиий офатнинг оқибатларини туга-тиш учун кўп куч сарф қилмоқ-да. Мамлакатимиз учун оғир бўлган шу кўнларда ёрдам бер-ганликлар учун совет киши-ларидан, Совет қизил крест жамиятидан астойдил миннат доримиз.

Ҳосил мўл бўлди

Улан-Батор. 13 сентябрь. Халқ Монголиясидаги давлат ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжа-лиги бирлашмаларининг дала-ларида бу йил мўл ҳосил етиш-тирилди. Ҳозир ўрим-йигим ишлари қизиқ кетди. Бутун экин майдонининг бешдан бир қисмидаги дон ўриб янчиб олindi. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 10—12 центнердан бугдой етиштирилди. Айрим массивларда эса гектар бошига 20—22 центнердан ҳосил олин-ди. Совет комбайнчилари Мон-голия талакдорларига катта ёр-дам бермоқдалар.

Тўфон оқибати

ГАВАНА. 13 сентябрь. Ни-карагуанинг Атлантика соҳили устидан ўтган «эдит» тўфони натижасида юзга яқин киши ҳалок бўлди. Беш мингдан ор-тиқ киши бошпанасиз қолди. Пренса Латина агентлиги му-ҳбирининг хабар беришча, одамлар фалокат рўй берган райондан бошқа жойларга кў-чаришмоқда.

Ҳаққоний талаб

Порт-Лундан олинган хабарла-рга қараганда, наврозида иш ҳа-қининг оширилишини на меҳнат шартининг аҳшилишини тала-б этаётган меҳнаткашларнинг забастовка ҳаракати кенгайиб бормоқда. Орол эканомикасининг неғиз бўлган қандашлар таъ-рловчи уч заводида маҳсулот иш-лаб чиқариш тўхтаб қолди.



Яқинда Германия Демократик Республикасининг Карл-Маркс-Штадт шаҳрида Совет Иттифодининг фазони забт этишда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи виставка очилди. Суратда: виставка кўргазмалари ўрнатилмоқда. АДН—ТАСС фотоси.

Бу катта йўл колхоз ерларини кесиб ўтади. Икки томонига кета-кетгучи дала, ям-яшил боғ. Бениҳоя дилтортар, сўлим жойлар!

Қишлоққа меҳмондорчиликка чиққандар айниқса шу ерда манзилдан тўшиб, манзилда пинда кетишни ҳавас қилишди. Ҳаммасидан ҳам дала айланигани не етсин! Қўллар позиди ўртасидан чайлада тўхтаб, қовунчи қолнинг хангома гап-лашганидан бир шигил тинглаб кетишга муштор. Кемса дехон сизни аччиқ кўнчо билан сийлабди, лабдурустан гап меҳмоннавозликка кўчганини ҳам сезмай қолсан.

— Эҳ, эсим қурсин, гап билан бўлиб кетишимиз-ку, — бирдан нолли қолдан полизчи чол. Бир ётиришиб, қовунхўрлик қилдикин!

— Э, отахон, овоза бўлмаган, қовун бўлса кейин ермиз, — эътироз билдиради шериги.

— Қизил гапни айтасиз-да, ўғлим! Меҳмондан ҳам азия одам борми? Ўз қўлим билан ётирган қовунлардан тотиномасинлар, сира рози бўлмайман, ҳа!

Полизчи чол бир неча қовунчи кўнчоларни кўриб, ўртага юмалатади. Чиройли ранг олиб роса тўрлаган қовунга пичоқ тортди. Узини, шундангача етилган экан, дегди, тиг тегиши билан тортди-кетди.

— Қани, мазасини кўрингларчин, — у бизни қосалаган қовунга таклиф этди.

— Бай-бай, отахон қовунларингизга шакар берсанмисиз, мунча ширин!

— Ҳа, чироқларим, ўзингиздай қолданган гап йў. Тер тўлиб етиштирган ноз-неъматимиздан эл рози бўлсин, деймиз-да!

Полизчи чолнинг раъйсига бориб, анча-мунча вақт ўтириб қолди. У колхоз тарихи, шу неча-кундузда ҳўналикда эриштиётган ютуқлар, қишлоқ одамлари ҳақида хушнудлик билан сўзлаб ўтирди.

— Отахон, сиздан бир одам ҳақида сўрасан бўладими?

— Бош устига, — у саволи мизини тиялган бироз таралди-даниб олди. — Қим экан у?

— У кишини яхши танисангиз керак. Шу қишлоқ мактабда муаллим.

— Иси-шарифини қим дедингиз?

— Шогинё Шохалимов.

— Ҳа, Ҳа, таниганим бор. Мактабимиз директори Шогинёни сўраясизлар-да?

— Ҳа, шундай.

— Нега унда «муаллим» деб сўрадинглар. Ахир тўғридан-тўғри «директор» дегвермай-сизларми? — деди чол нимадандир кўнгли тўлмай. — Ахир у киши катта бир ташкилотга раҳбар одам. Киши обрўга не не меҳнат, билим билан эришди. Мақсадим шуки, болаларим, ҳар кимни ўз хурматига яраша атаган маъқу. Шундай эмасми?

Биз чолнинг қўлимаганда бу гапидан бироз хижолат тордик. Лекин, ўртадаги бу ноқушлик бир аумда орадан кўтарилиб кетди. Чолнинг лад-насихати, «муаллим»нинг

— Меҳмон қилсангиз, йўл демаймизку-я. Лекин олдин ҳа-шарини ўзинга қўйили, ота-хон, — деди. Умрингдан бора-ки топурини қаранг, мактаб болалари қаерда ҳашарлик иш бўлса. Ўша ерда.

Ажабмас, ўша-қизларимиз ҳам Шогинёнидек баёбур одамлар бўлишса, ўғри-ўғир эл-юрт хизматига маҳкам бел боғлаб туришса...

— Полизчи чол хузуридан мамнун бўлиб қайтди.

Нўда ҳамроҳим мактабда бўлиб ўтган бир учрашув ҳақида сўзлаб берди.

— Ўқувчилар хузурига ша-ҳардан тез-тез шонир ва ёзувчиларимиз, олимлар ва таниқли маданият арбоблари қиёб туринишди. Шу йил баҳор кези мактабда Ўзбекистон халқ шон-

— йилда ёса уни «қўйиб қолган» 35-сон ўрта мактабга дирек-торлик лавозимига тайинланди.

Сўхбат асосида биз дирек-тор столи устида ётган бир даста хат билан қизидик. Хат муаллимлари турли соҳа кишилари. Мана, қўлимизда медицина фандари кандидати Ойдин Нажмиди-новдан келган хат. Ҳозир у Тошкентдаги 15-касалхонада ишлайди. Олима устоз Шогинё акага педагогика ва дидактикага оид бир қатор саволлар билан мурожаат қилибди. Хатлар орасида бундай мазмунда-гилар анча-мунча эди.

Демак, Шогинё ака ўз собиқ ўқувчилари билан до-им хат ёзиб туради. Уларга ҳар томонлама қўмак бериб келади.

«Ҳозир Шогинё ака Шохали-мов директорилик қилаётган Ой-бек номидаги 40-ўрта мактабда халқимизнинг 800 дан ортиқ ўғил-қиз таълим олапти. Синфхоналар 30 дан ошди. Қатор-қатор фан кабинетлари, лабораториялар, замонавий ўқув қуроллари...

Тақрибли педагог мактабда ўқув-тарбия ишларини юқори поғонага кўтариш, ёш муал-лимлар малакасини ошириш устида ҳар жиҳатдан жиддий раҳмхўрлик қилиб келмоқда. Билим даргоҳида синфдан таш-қари ишлар намунави йўлга қўйилганлиги кишини айниқса қувонтиради. Янги ўқув йил-дан бошлаб мактабда таълим-тарбия ишлари янги илғор ме-тодлар асосида олиб бори-моқда. Жумладан туртинчи синфларда шу йили ўқув йил-дан бошлаб ҳамма фанлар пред-мет ўқитиш асосида олиб бо-рилмоқда.

...Мактабдан чиққанмишда кун пешиндан оққан, шўх қўн-гирок овози ҳовли бўёсини тўлдириб ўйнаётган болаларни кенг ва ёруғ синф хоналарига, таҳсил мажлисида чорларди. Шогинё ака бу қўнғор болаларга меҳр ва ҳавас билан қараётган бўлар, уларни оқ-дек ўз бағрига босиб келарди. Ҳа, у барча мактаб болалари-ни ўз фарзандидек сўюб қол-ган.

Реклама
ВА ЭМОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.30 дан — Москва кўрсатади. **ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**
17.55 — Кўрсатувлар програм-маси.
Ўзбек тилида: 18.00 — Ўзбекистон пионерларнинг концерти, 18.30 — «Ахборот» информацион програм-маси. (рус тилида), 18.45 — Камо-лат сари (хўжикатли фильм).
19.05 — «Ахборот» информаци-он программаси, 19.25 — Куйла дўстим (концерт).
20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўқув кўрсатувлари

ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 11.30 — Химия, 10-синф. Органик бирикмаларнинг химия, янги хиллаштирилган назария-си.
Рус тилида: 12.00 — Ўқув фильми, 12.25 — Химия, 10-синф. Органик бирикмаларнинг химия, янги хиллаштирилган назария-си.
17.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Музика-ни қандай тингламоқ керак. БЕГ-ХОВЕН симфониялари, 21.00 — Янги аср фильми. (1951 йил ҳақидаги серия), 21.40 — Ўзбек маршари, 22.00 — Дон қисса-си (бадний фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Ўқув кўрсатувлари программаси. Тарих, 10-синф, Шундай бошланган эди.
Рус тилида: Студент меридиани («Ешлик» студияси кўрсатади), 20.20 — Санъатга бағишланган ҳаёт, Франц ШУБЕРТ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳа, икки стул — Санъат са-роини (кундуз ва кечкурун)
Муаллим — «КОМСОМОЛ 30 йиллиги», ҲАМЗА номли (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 йиллиги» (тоқ соатларда), «ДРҲУБА» (кундуз ва кечку-рун).

Ҳалокатли ҳато — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 йиллиги», «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (тоқ соатларда), НАВО-ий номи, «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).

Музыка садолари — «ЧАЙКА (кундуз ва кечкурун).
Хўжайин (ортеал соат 10, кундуз 12, 2, 4 да), Гапирверши-син (кеч соат 6, 8 ва 10 да) — «ЎЗБЕКИСТОН».

Сангам (Ўзбек тилида) — «КҲ-ЧА» (кундуз ва кечкурун).

ЎЗГИ БИНОДА

Ҳалокатли ҳато — «ФЕСТИ-ВАЛЬ».

Хўжайин — «ХИВА».

Жўратли хоним — ТЕЛЬМАН номи.

ЧАРОҒБОН

обрўси учун талайини бизни бениҳоя қувонтирди. Демак, мактаб директори қишлоқда барчага дини, баёбур одам.

— Шогинёни барча қишлоқ ахли хурмат қилади, — сўзига давом этди чол. — У мактабга бошлиқ бўлганидан бери эл оғ-зидан тушмайди. Ўзи ҳам мак-таб, болалар деса жо-нини ҳам бериб юбо-радиган раҳмхўр одам экан. Оз вақт ичида бутун мактабни гулбоққа айлантириб юборди, азамат, Мактаб, анча кенгайди. Қурилишқа ўзи бош бўлди. Мана энди қишлоқ мактабимиз ўн йиллик! Болаларимиз олис-га қатнаб ўқиб ташвишдан қутилишди. Ота-оналар, айниқ-са, севинишди.

Ҳа, айтганча яқинда дирек-торимиз бир талай ўқувчи бо-лаларни бошлаб, полизга келиб қолди. «Э, ҳа, директор болам, қовунхўрликка келдингизлар-ми» дедим. Шу кунини шаҳарга қовун жўнатаётган эдим-да!

раси, «Нидхуфар». Неру муко-фотлари лауреати Ўзғайна ома меҳмон бўлиб келди. Шер-хонлиги, ўйин-қўлги, мушона-рала бир маҳалга давом эт-ди. Ўша кечани ҳали-ҳали эс-лаб юрамиз.

Қишлоқ мактаби учта узоқ эмас экан. Тезда топиб кел-дик. Ҳовли ва коридорлар сув қуйибдек жимик, синфхона-ларда дарс борипти. Аста бо-риб тепасига «директор» деб ёзилган хона эшигини тақил-ладик. Ичкаридан «марха-мат, киринг» деган товуш эшитилди. Ҳамроҳимиз «хайри-ди, шу ерда эканлар» деган-дек маъноли боқиб қўйдик. И-чкари кирдик. Шогинё ака биз-ни эски қадрдонлардек сани-май қарши олди.

Директор хузурида узоқ вақт сўхбатда бўлдик. Жуда кўп ибратли гаплардан воқиф бўлдик. Анча-мунчагина янги-ликлар эшитдик.

Бу йил ўқувчилар каникул вақтида мактаб пионер лагери-

га муассар бўлишди. Ўн икки нафар ўқувчи Батайимиз пойтахти Москвадан ташвак-нинг қатор дилдон ва олтин медалларини олиб қайтди.

— Шогинё ака Шохалимов олдин бир ҳунарманднинг ўғ-ли. Ўшанингданок меҳнатга меҳр қўйган ўсмининг билимга иштиёқи баланд эди. Ундаги ўқитиш асари ва илғор мактаб сари чорлади. Ўқитишчилик касбига меҳр қўйдик. 19 йилдан у Тошкент қишлоқ районидан 5-мактабда дарс бера бошладик. Кейинроқ у шу мактабнинг ўзида илмий бўлим мудири ва директорилик вазифаларида ишлади.

Коллектив ўртасида обрў ва эътибор қозонган талант-ли педагог мактабдаги 14 йиллик меҳнат фаолияти даврида неча юзлаб ўғил-қизлар онгини илм нури билан нурафшон эт-ди, уларни ҳаёт қўчоғига ку-ватли.

Шогинё ака беш йил Кали-нин район халқ маорифи бў-лимини ҳам бошқарди. 1962

Мана бир неча кундирки пой-тахтимизда Москвадаги Гоголь номи драма театри коллекти-ви меҳмон бўлиб турибди. Свердлов номи концертлар залида театр артистларини чинишлари муваффақият билан ўтмоқда. Меҳмонларимиз ўз гастролларини А. Толстойнинг «Император хотинининг фига-си» спектакли билан бошла-ди. Бу сахна асарига асосан Россияда император Николай II даврида содир бўлган тари-хий воқеалар асос қилиб олин-ган. Спектаклда қатнашаётган артистлар қаҳрамонлар образи-ни тўлақонли очиб беришга эришдилар.

Суратларда: «Император хо-тинининг фига-си» спектакли-дан кўринишлар.

ГОГОЛЬ
ТЕАТРИ
ТОШКЕНТДА



ДОИРАНИНГ ЯНГРОҚ ОВОЗИ

Шу неча Варшава шаҳрида-ги концертлар зали томоша-бинлар билан тавжум бўлди. Санъат илосмандларининг ли-гоҳи ранган чироқлар ёғусида товланаётган сахнада. Ҳаша-матли зал ичра Ўзбек доира-си баралла янграмоқда. Унинг соҳ-янгроқ, тоҳида эса мунгли овоз-ин қалбларни халқонга солар-ди. «Баҳор» ансамблининг ёш доира-сини Талъатнон икки, уч, тўрт доира билан дам-бадам Ўзбек, рус, поляк рақсларини берилиб ижро этарди.

Талъатнон концертдан ҳал-жонланиб чиқди. Меҳмонхонага кела-кетгучи қўлоқларида полк дўстларининг савийи оқшчилари эшитилиб турарди. Шунда у ёшлик йилларини, қўлига илк бор доира тутказ-ган устозини, санъат даргоҳига олиб кирган меҳрибон киши-ларни эслади...

Талъатнон Самарқанд шаҳ-ридаги 38-мактабда ўқиб юра-ди. Кунларини бирини Регис-тон майдонидан ўтаётган доира овозини эшитиб қолди. Доира чалинаётган томон ошиди. Би-но пештонига «Самарқанд ша-ҳар 2-маданлий уйи» деб ёзиб қўйилганди. Ойна тирикчида-ни ичкарига мўралади. Кенг хона ёшлар билан тўлган. Саҳнада турган ёш илгит доира чалмоқ-да. Жамиятига қиз эса рақсга тушяпти. Ичкарига киргани ийманди. Уйга югурганча бо-риб, орасини қўйра-қўймай бошлаб келди. Маданият уйи-нинг халқ чолгу асосблари ту-гарига қатнай бошладик.

Тўғрақ раҳбари Аслон ака Аҳмаджонов бу ёш ўсмирда доира чалишга қизиқиб борли-гини тезда пайқайди. Тақририй машқлар ўткази-бошлади. Ас-лон ака Талъатнонни ўз ўғли-дек кўриб, уни меҳр билан тар-биялади, бир қатор рақслар-қўлини пухта ўргатди.

У савийини синфини муваф-фақиятли — тугатди. Самарқанд шаҳридаги музика билим юрти-га ўқишга кирди. Халқ чолгу асосблари синфида таниқли му-зикашунос Пинхасов раҳбарли-гида пухта билим эгаллай бош-ладик. Шу кезлари талабалар орасида, шахримизга «Баҳор» ансамбли келармиш, деган ха-бар тарқалди. Ҳама қатори Талъатнон меҳмонларининг ке-

ҚОЗОҚ ХАЛҚ ҲИҚМАТЛАРИ

Партия—халқнинг қўзи, қўлоғи, Партия — халқнинг ақл чироғи
Кўз қўроқ, қўл ботир.
Онанинг кўнгли болада,
Боланинг кўнгли болада.
Айрон ичган қўтилибди,
Челак ялаган қўтилибди.
Сўзининг-отаси қўлоқ
Сувининг отаси — булоқ
Бировга мол қайғу,
Бировга жон қайғу.
Китоб олим-тилсиз муаллим,
Кўп тингла, оз сўзла.

Оёқ-азамат,
Қўл-мулк.
Бош-сандиқ.
Тил-қалип.
Экмай экин бўлмас,
Урганмай илм келмас.
Қўлнинг қўрки-қўроқ,
Тоғнинг қўрки-қўроқ.
Берсанг олсан,
Эксанг ўрасан.
Эмон одамга мол битса,
Яқинини танимас.
Эмон одам тўй бузар,
Эмон хотин уй бузар.
Яқинликка яқинлик,
Яқинликка яқинлик.

Халқ кишининг иши.
Эмонликка яқинлик,
Эр кишининг иши.
Ақилга айтсанг билар,
Эмонга айтсанг қулар,
Бировга айшона керак,
Бировга бошпана керак.
Ўзбек-ўз оғам.
Хўнор-қўнқа етказар.
Ақил-қўнқа етказар.
Олтин ола билган,
Бўла ҳам билади.
Келимин сенга айтаман,
Қизим, сен тингла,
Йигитинг қўркини айтма,
Ичмини айт.
Гул ўсса өрнинг қўрки,
Гул ўсса элнинг қўрки.

Қозоқчадан Қалдибек СЕЙДА-НОВ таржимаси.

ЁШ САМБОЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтдаги «Старт» стади-онда самбо кураши бўйича Ўз-бекистон шахсий команда би-ринчилиги учун ўсмирлар ўр-тасида бўлиб ўтган мусобақа уч кун давом этди. Спорт ги-ламизга ёшлар кўнглида спорт жамиятининг терма командала-ридан 80 энг кучли курашчи-лар чинишди.

Беллашувда Ўзбекистон қўн-глида спорт жамияти совети-нинг «Буревестник» командаси 19 очко тўлаб, биринчи ўрин-ни қўлга киритди. Иккинчи ўринни 21 очко тўлаган «Ди-намо» командаси олди. Учинчи ўрни эса 31 очко тўлаган «Меҳнат» командасига берил-ди.

СТУДЕНТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Мадрида ўтказилган енгил атлетика бўйича студентлар халқаро мусобақасида совет студентлари муваффақиятли қатнашдилар. Улар Мадридан иккита олтин, битта қумуш ҳамда тўртта бронза медаллари билан қайтишди.

ЯНГИ НАТИЖА

Хабаровски С. Терехов 190,5 килограмм вазндаги штангани жим усулида кўтар-ди. Бу натижа М. Хорошев ўр-натган СССР рекордидан 3 килограмм ортиқдир. Терехов Львов армия спорт клубида оғир атлетика бўйича мамла-кат Ҳарбий Ҳаво Кучлари чем-пионатида ушбу натижани на-мойиш қилди.


МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Барселонда ўсмирлар ўрта-сида волейбол бўйича Европа чемпионатида СССР терма ко-мандаси Польша терма коман-дасини 3:0 ҳисобида магдуби-ятта учратиб, муддатидан ил-гари турир ғолиби бўлди.

РЕКОРД ҲИСОБ

Ғарбий Германиянинг Эссен шаҳрида баскетбол бўйича Ев-ропа чемпионати давом этмоқ-да. Чемпионатда СССР спорт-чилари Испания командасини 118:58 ҳисоби билан ютиб, ка-торасига уч марта ғалабага эришдилар.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ТУФҲА



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1972 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАН!

И. ЮСУПОВ.

Иўлдош шаҳар Сергелида яқин кунлар ичиде 280 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Боғчада кичкин-тойларнинг яйраб-яшнаб ўсиш-лари учун барча шарт-шароит-лар яратилган. Суратда: янги боғча биноси.

Л. Глауберзон фотолари.

Газетамизнинг навбатдаги сони 17 сентябрда чиқади.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р.02838 А—1831. ИНДЕКС — 64697.